

# INNOVATIVE TECHNOLOGIES USED IN CUSTOMS LABORATORIES OF FOREIGN COUNTRIES

**Rakhmatov is the son of Azizbek Bekzod**

The Republic of Uzbekistan

Of the State Customs Committee

4th year cadet of the Customs Institute

**Abstract:**

The main goal in our country is to increase the volume of exports, improve the transport and logistics system, drastically simplify customs procedures, radically reform customs checkpoints and cargo clearance posts, and provide full support to businesses.

**Keywords:**

Expertise, bozhkhona expertise, iktisodiy khavfsizlik, khalkaro itisodiy munosabatlar, import bozhlari, Markaziy bozhkhona laboratories, Mass spectrometer, Infraqisil spectrometer, X-ray tilliari, polymer полимер chromatograph

## ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР БОЖХОНА ЛАБОРАТОРИЯЛАРИДА ҚҮЛЛАНИЛАЁТГАН ИННОВАЦИОН ТЕХНОГИЯЛАР.

**Рахматов Азизбек Бекзод ўғли**

Ўзбекистон Республикаси

Давлат божхона қўмитасининг

Божхона институти 4-курс курсанти

**Калит сўзлар:**

экспертиза, божхона экспертизаси, иктиносидий хавфсизлик, халқаро иктиносидий муносабатлар, импорт божлари, Марказий божхона лабораторияси, Масс-спектрометр, Инфрақизил спектрометр, Рентген таҳлиллари, Электрон микроскоплар, Суюқлик хроматографлари, полимерлар, гидролиз, вискозиметр.

Мамлакатимизда товарлар экспорт хажмини ошириш, транспорт логистика тизимини такомиллаштириш, божхона тартибларини кескин соддалаштириш, божхона назорати пунктлари хамда юкларни расмийлаштириш постларини тубдан ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш бош мақсадга айлантирилди. Республикамизда олиб борилаётган изчил сиёsat самараси ўлароқ ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар манфаати кенг қўллаб қувватланмоқда. Божхона тартиб таомилларининг тобора енгиллашиб ва соддалашиб бориш жараёни сўнги пайтларда жуда ҳам жадал суратларда амалга оширилмоқда. Техника ва технологияларнинг ривожланиши натижасида ташқи иктиносидий фаолият иштирокчилари хамда йўловчиларнинг юклари божхона қўриги ва расмийлаштирувидан хеч қандай зиён ва бузилишларсиз ўтказилмоқда. Бундан ташқари аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда хориждан сифатсиз маҳсулотлар кириб келишини олдини олиш йўлида ҳукуматимиз томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинмоқда. Халқимизнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш мақсадида ички бозорларни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга доимий эътибор қаратиласяпти. Бундай долзарб вазифаларни амалга оширишда божхона экспертизасининг ўрни катта.

Ўзбекистон Республикаси божхона тизимида божхона экспертизасини амалга ошириш мақсадида божхона лабораторияларида қўлланилаётган техник асбоб ускуналар ҳамда уларинг самаралилик даражасини хорижий ва МДҲ мамлакатлари божхона лабораторияларида қўлланилаётган замонавий техникалар билан таққослаш ва тажрибаларини ўрганиш Ўзбекистон миллий божхона экспертизасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Қўйида Япония давлатининг божхона лабораториялари фаолияти ва уларда қўлланилаётган инновацион технологиялар билан танишамиз.

### **Япония божхона экспертиза фаолияти.**

Японияга импорт қилинадиган товарлар ва материаллар қонун доирасида божхона назоратидан ўтказилади ва улардан импорт божлари ундирилади. Бироқ, шундай баъзи товарлар борки, уларни қонун ва қоидалар талқинида равшан аниқланиши қийин, шу сабабли тегишли импорт божлари ва акциз солиқларини белгилашда қийинчиликлар вужудга келади. Бу ҳолатда, божхона лабораторияси зиммасига ушбу товарларнинг таркибини аниқлаш учун уларнинг тузилиши ва табиати бўйича аналитик экспертизалар ўтказиш вазифаси юклатилади. Ҳозирги кунда Марказий божхона лабораторияси божхона, божхона бошқармалари, божхона ҳамкорлиги бўйича Кенгашнинг топшириғи билан импорт ва экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг, айниқса, дори воситаларининг таҳлили билан шуғулланади. Лаборатория янги аналитик методлар, божхона лабораториясининг стандарт методларини тадқиқ килиш ва ишлаш, божхоналарнинг аналитик экспертизаларига оид консультациялар ўтказиш ва божхона ҳамкорлиги бўйича Кенгаш орқали халқаро божхона ҳамкорлигини амалга ошириш, шунингдек ривожланётган мамлакатлар учун технологик тажрибалар ўтказиш орқали божхона иши фаолиятида муҳим ўрин эгаллади.

Приборлар залида энг замонавий приборлар бор, жумладан, Масс-спектрометр; Инфрақизил спектрометр; ЯМР учун биринчи зал; Жихоз учун иккинчи зал; Рентген таҳлиллари; Электрон микроскоплар; Суюқлик хроматографлари.

Топшириқлар бўйича экспертизалар. Божхонада Ўйғунлаштирилган Тизимга ва товарларнинг таснифига мувофиқ товарларнинг тўғри класификацияси учун зарур бўлган экспресс таҳлиллар ўтказилади. Марказий божхона лабораторияси эса божхона, божхона бошқармаларини, божхона ҳамкорлиги бўйича Кенгашнинг топшириқларига биноан таҳлили мураккаб хисобланган ва бунақа таҳлилларни олиб бориш божхона органлари учун қийинчилик туғдирганда товарларнинг экспертизасини ўтказади.

- Таркибида фосфор мавжуд бўлган органик компонентларнинг масс-спектрометрия ва ЯМР-19F ёрдамида таҳлили.
- Таркибида фосфор мавжуд бўлган органик компонентларнинг ЯМР-13C ёрдамида таҳлили.
- Термик солинган ёнилгининг капилляр газли хроматографияси
- Полимерларнинг таҳлили учун десорбцион масс-спектрометрии қўллаш.
- Гидролиз ёрдамида бир-бирига боғлиқ фосфатларнинг тартибга солиниши.
- Термик ишланган хроматография ёрдамида сополимер стиролнинг таҳлили.
- Турли хил полимерларнинг бир-бирига боғлиқлик сабабларини ЯМР-FT (1H, 13C) ёрдамида аниқлаш
- Вискозиметр
- Шакар анализатори ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда юқоридагиларни ўрганиш билан бир қаторда мамлакатимиз ва сўнги йилларда нанотехнологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган янги авлод товарлари, уларни божхона мақсадларида идентификациялаш ва таснифлашда муаммоли ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Бу божхона органлари фаолиятида самарадорликни ошириш, ҳар қандай вазиятга тайёр туришлари учун товарларни идентификациялаш жараёнларини мунтазам равища такомиллаштиришни талаб этади.

Бу борада яхши ишлаб чиқилган идентификация механизми товарларни идентификация қилишда қабул қилинадиган дастлабки қарор сифатини оширади, бу борада ишлаб чиқилган қўлланмалар декларацияловчи шахсларни мустақил равища тўғри ТИФ ТН кодини белгилашига ёрдам беради. Натижада божхона экспертизаси микдор жихатдан камайиб сифат жихатдан кўпаяди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Қ.М.Каримкулов, О.А.Хасанов, Б.Ё.Абдуғаниев, И.Р.Асқаров. Божхона экспертизаси, Товарларни ҳалқаро сертификатлаш: Дарслик. - Т: “Ёшлар матбуоти ООО” нашриёти, 2013 й. -296 бет.
2. Пулатова Л.Т. Таможенная экспертиза. Учебник. Т.: ВВТИ, 2014 г. – 373 стр.
3. [https://www.customs.go.jp/ccl/e\\_index.htm](https://www.customs.go.jp/ccl/e_index.htm)
4. Customs.uz
5. Ziyonet.uz